

PROFESSIONAL KO'NIKMALAR HOSIL QILISHDADIDAKTIK O'YIN USULLARINING SAMARADORLIGI

Klichova F.K., Raxmatova M.R., Jalolova V.Z., Mustafaeva Sh.A.,

Buxoro davlat tibbiyot instituti, Buxoro, O'zbekiston.

✓ *Rezyume*

Maqolada didaktik o'yin, hamda uning talabalarda aynan professional ko'nikmalar hosil qilish va ular sifatini oshirishdagi roli haqida so'z yuritiladi. Ushbu ta'lim ko'rinishi yordamida amaliy mashg'ulot darslari o'tkazilganda fanlar bo'yicha bilimning mustahkamlanishi bilan bir qatorda talabalarda o'tilayotgan mavzu bo'yicha kelgusi professional faoliyat bilan bog'liq bilim va tegishli amaliy ko'nikmalar hosil bo'lishiga erishiladi. Bu esa o'z o'rnida mashg'ulotlarning sifati hamda samaradorligini oshirishda o'zining ijobiy samarasini berishda yordamlashadi.

Kalit so'zlar: amaliy mashg'ulot, didaktik o'yin usullari, professional ko'nikmalar, bilimning mustahkamlanishi.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕТОДОВ ДАКТИЧЕСКОЙ ИГРЫ В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ НАВЫКОВ

Кличева Ф.К., Рахматова М.Р., Джалолова В.З., Мустафеева Ш.А.,

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан.

✓ *Резюме*

В статье рассматривается дидактическая игра, а также ее роль в развитии профессиональных навыков студентов и повышении их качества. С помощью такого образовательного подхода практические занятия используются для укрепления знаний по предмету, а также для формирования у студентов знаний и соответствующих практических навыков, связанных с будущей профессиональной деятельностью по теме. Это, в свою очередь, помогает повысить качество и эффективность обучения.

Ключевые слова: практические занятия, методы дидактической игры, профессиональные навыки, закрепление знаний.

EFFICIENCY OF METHODS OF DACTIC PLAYING IN DEVELOPING PROFESSIONAL SKILLS

Klicheva F.K., Rakhmatova M.R., Dzhalolova V.Z., Mustafaeva Sh.A.,

Bukhara State Medical Institute, Bukhara, Uzbekistan.

✓ *Resume*

The article discusses the didactic game, as well as its role in developing professional skills in students and improving their quality. With the help of this educational approach, practical lessons are used to strengthen the knowledge of the subject, as well as the formation of students' knowledge and relevant practical skills related to future professional activities on the topic. This, in turn, helps to have a positive effect on improving the quality and effectiveness of training.

Keywords: practical training, didactic game methods, professional skills, consolidation of knowledge.

Долзарблиги

Профессионал мактабда ўқитиш процессини активлаштиришнинг энг асосий буғинларидан бири дидактик ўйиндир. Дидактик ўйин процессида талаба ўз профессионал фаолиятига мос ҳаракатни бажаради. Натижада талабанинг билимининг, актуализацияси ва олинган билимининг кўникма ва бажара олишга трансформацияланишига сабаб бўлиб, тажриба тўпланиши ва ривожланишига олиб келади [1,12]. Дидактик ўйин технологияси 3 этапдан иборат:1. Талабаларни дидактик ўйинга жалб қилиш.2. Профессионал фаолиятни ўйин тарзида ўрганиш. 3.Ўйин модули остида касбни тўлалигича эгаллаш.

Амалиёт ёрдамида ўз касбига оид вазифаларни бажариш- Ўқитишнинг фаол методларидан бири бўлиб, бунда профессионал фаолият модел тариқасида олиниб талаба ўзи танлаган профессионал фаолиятига оид вазифани бажаради. Бу ўйиннинг асосий шарти ушбу фаолиятни талаба ўқитувчи бошчилигида келажакда ўз профессионал вазифасини ўтайдиган

жойда (масалан тиббиёт олийгоҳи талабаси касалхонада) бажаради[2,5,8,13].

Имитацион тренинг- профессионал кўникмама-лар ва билимларни турли ҳил техник воситалар ёрдамида ўрганиш. Масалан тиббиёт олийгоҳи талабалари кўникмамаларини турли ҳил муляжларда ўтказишлари ёки профессионал фаолиятлари учун зарур бўладиган тиббий асбоб ускуналардан фойдаланишни ўрганишлари мумкин [3,6,7].

Ўйинли проектлаштириш бу талабани амалий машғулотларга ва келажакда танлаган касбига қизиқтиришнинг яна бир кўриниши бўлиб, бунда талабалар ўз профессионал фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда турли ҳил проектлар, янгилıklar ҳақида фикрлаб, ушбу соҳанинг ривожланишига замин яратувчи гоялар ўйлаб чиқадилар. Билим олишнинг интерактив ўқитиш технологиясини қўллаш мобайнида билим берувчи ва билим олувчи орасида роллар алмашинуви, ҳамда маълумот ролининг ўзгариши содир булади [9,14,19]. Ушбу роллар алмашинуви типик ишчи ўйинларидан бири бўлиб ўз-ўзини бошқариш интерак-

тив усули ҳисобланади. Бунда талабалардан бири виртуал ўқитувчи сифатида танланиб амалий машғулоти ўтказилишидан бир кун олдин ушбу талаба огоҳлантирилади. Танланган виртуал ўқитувчи ўтиладиган мавзу юзасидан талабаларни қизиқтириш учун турли хил интерактив ўйинлар тайёрлаб келиб дарсни ўтказиши [10,15,18]. Дарс ўйин тарихида ўтказилганлиги ва роллар алмашинуви содир бўлганлиги сабаб талабаларнинг дарсга бўлган қизиқишлари, шунингдек виртуал ўқитувчи гуруҳ талабаларидан бири бўлгани сабаб талабаларнинг дарсда ўзларини эркин тутишлари мавзунини баҳс мунозара кўринишида ўтириб, унинг тўлиқроқ эгалланишига эришилади. Дарсни бу тарихи ўтказилиши айниқса келажакда педагог касбини танлаган талабаларда мавзунини тўлиқ эгаллаш билан бир қаторда ўз касбларига оид кўникма ва билимларнинг шаклланишига олиб келади [8,17]. Мисол тариқасида ушбу интерактив усул тиббиёт олийгоҳлари тиббий педагогика факультети йўналиши талабалари учун фойдаланилганда уларда мавзу бўйича кўникма эгалланиши билан бир қаторда келажакда танлаган тиббий педагог касбини мукамал эгаллашларига замин яратилган бўлар эди [11,16].

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, дидактик ўйин талабада айнан профессионал кўникмалар ҳосил қилиш ва улар сифатини оширишга йўналтирилган бўлиб, ушбу таълим кўриниши ёрдамида амалий машғулоти дарслари ўтказилганда фанлар бўйича билимнинг мустақамланиши билан бир қаторда талабаларда ўтилатган мавзу бўйича келгуси профессионал фаолият билан боғлиқ билим ва тегишли амалий кўникмалар ҳосил бўлишига эришилади. Бу эса ўз ўрнида машғулотларнинг сифати ҳамда самардорлигини оширишда ўзининг ижобий самарасини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Жалолова В.З., Рахматова М.Р., Климова Ф.К., Назаров С.Э. Роль инновационных методов обучения на развитие уровня знаний студентов // Тиббиётда янги кун 4 (28) 2019, С 32-35
2. Орзиев З.М., Рахматова М.Р., Жалолова В.З., Климова Ф.К. Критерии эффективности уровня знаний студентов, приобретенных интерактивными методами обучения // "Дневник казанской медицинской школы" 2019, июнь С 38-42
3. Орзиев З.М., Рахматова М.Р., Жалолова В.З. Влияние интерактивных методов обучения на формирование уровня клинических знаний // Вестник Международного Университета Кыргызстана 2018 №3 С 163-167
4. Орзиев З.М., Рахматова М.Р., Жалолова В.З. Влияние интерактивных методов обучения на формирование уровня клинических знаний // Вестник Международного Университета Кыргызстана 2018 №3 С 163-167
5. Орзиев З.М., Рахматова М.Р., Жалолова В.З. Интерактив методларни бирлаштирган ҳолда дарс утиши самардорлиги // "Современное состояние, проблемы и перспективы медицинского образования" международная учебно-научно-практическая конференция С 92-95
6. Рахматова М.Р., Жалолова В.З. Effectiveness of the combined application of interactive methods "debats" and "a weak link" in the conduct of the lesson // Биология и интегративная медицина. 2018. №4. С 225-131
7. Рахматова М.Р., Жалолова В.З. "The place of innovative technologies in training of highly qualified personnel in the highest medical educational institutions" // Биология и интегративная медицина, №. 3, 2018, С. 234-247.
8. Рахматова М.Р., Жалолова В.З., Мустафаева Ш.А., Нурова З.Х. "Малакали тиббий кадрлар тайёрлашда инновацион педагогик технологияларнинг ўрни" // Тиббиётда янги кун 2020 №1(29) январь март
9. Рахматова М.Р., Жалолова В.З., Климова Ф.К. Применение интерактивных технологий case-study и "слабое звено" для обучения в медицинских вузах // "Современное состояние, проблемы и перспективы медицинского образования" международная учебно-научно-практическая конференция С 100-102
10. Рузиева М.Х., Юлдашева М.М., Турсунбаева М.Т. Малакали кадрлар тайёрлашда интерактив таълим усулларида фойдаланган ҳолда дарс ўтиши устиворлиги // Электронный научный журнал "Биология и интегративная медицина" №1 - январь-февраль (41) 2020 С 86-98
11. Рузиева М.Х. Амалий машғулоти дарсларида интерактив усуллари қўллаш устиворлиги // Тиббиётда янги кун - 2020. - № 2(30/2). - С. 67-71
12. Шарафутдинова Р.И., Муратова Г.С., Турсунбаева М.Т. Экологик таълим ва тарбия тушунчаларини шакллантириш тамойиллари // Электронный научный журнал "Биология и интегративная медицина" №1 - январь-февраль (41) 2020 С 98-105
13. Шарафутдинова Р.И., Муратова Г.С., Турсунбаева М.Т. Талабаларда экологик тафаккур ва тарбия тушунчаларини шакллантириш // "Тиббиётда янги кун" - 1 (29) 2020 ISSN 2181-712X. С 105-107
14. Шарафутдинова Р.И., Муратова Г.С., Жумаева Г.А., Мустафаева Ш.А. Спорт тиббиёти фанидан амалий машғулотлар ўтказишда ҳамкорлик таълими усулларида фойдаланиш // "Тиббиётда янги кун" - 2 (30) С 261-265
15. Юлдашева М.М., Рузиева М.Х., Юлдашева Н.М. Тиббиёт институтида ўзбек тили фанидан амалий машғулотлар ўтказишда "кучсиз ҳалқа" ҳамда "дискуссия" интерактив таълим усуллари биргаликда қўллашнинг афзалликлари / Электронный научный журнал "Биология и интегративная медицина" №1 - январь-февраль (41) 2020 С 105-113
16. Юлдашева М.М. "Заиф бўгин" ва "давралар" интерактив таълим усуллари биргаликда қўллаш унумдорлиги // Тиббиётда янги кун - 1 (29) 2020 С 107-109
17. Rakhmatova M.R., Jalolova V.Z., Jumaeva G.A., Nazarov S.E. The level of knowledge of students acquired in interactive ways "Blitz method" and "Case study" // "Тиббиётда янги кун" 4 (28) 2019 С 69-73
18. Sharafutdinova R.I., Muratova G.S., Tursunbayeva M.T. Concepts of ecological thinking and education and their formation in the minds of students // Электронный научный журнал "Биология и интегративная медицина" №4 - июль-август (44) 2020 С 156-161
19. Sharafutdinova R.I., Muratova G.S., Mustafayeva S.H.A., Tursunbayeva M.T., Collaborative learning methods and their application during practical exercises // Электронный научный журнал "Биология и интегративная медицина" №4 - июль-август (44) 2020 С 162-173

Келиб тушган вақти 09.11.2020